

500 йиллик Қуръони карим ўз ватанига қайтарилди




14:27 / 08.01.2019 2446

Миср Миллий кутубхонаси ва Миллий архив агентлиги Лондонда сотилиши тўхтатилган Қуръони каримнинг қўлёзма нусхаси мамлакатга қайтарилганини маълум қилди. Бу ҳақда IQNA хабар берди.

Маълум бўлишича, Мисрнинг бу икки ташкилоти ҳозирда қўлёзманинг эгалари билан боғланиб, йўқолган нусхаларнинг эгалик ҳуқуқини тиклаш механизмлари устида иш олиб бормоқда. Қуръони каримнинг бу нусхаси XVI асрда Миср ҳукмдори бўлмиш Қансу ал-Фурига тегишлидир. Шунинг учун бу Каломуллоҳни “Қансу ал-Фури” номи билан ҳам аташади. 1884 йилда Каломуллоҳ мамлакатнинг миллий кутубхонасида қайд этилган. Бу Қуръонда Оли Имрон сурасининг 92 оятдан, Нисо сурасининг 23 оятигача насх ёзувида ёзилган. Китобнинг ҳар бир саҳифасидаги чизиқлар ва

оятлар орасидаги масофа олтин билан белгиланган.

Image not found or type unknown



Ушбу нусханинг аҳамияти шундаки, бу китоб бир замонлар мавжуд бўлиб кейин йўқолиб кетган Мамлуклар (XIII асрдан XVI асргача Ўрта Шарқда асосан Миср ва Сурия орасида мавжуд бўлиб, кейин йўқ бўлиб кетган султонлик) подшоҳлигига тегишли ягона қўлда ёзилган намуна эканлиги билан ажралиб туради. Бу даврда босилган Қуръони каримларнинг ёзуви, жилди ва зийнатланиши бошқа даврадагилардан буткул фарқ қилади. 2018 йил 24 октябрь куни Лондоннинг Соубей аукционидида 500 йиллик Қуръони каримнинг “Қансу ал-Фури” қўлёзма нусхаси эркин сотувга қўйилганди. Бироқ бир неча кун ўтиб Миср маданият вазирлиги унинг савдосини тўхтаб қўйган.

Islom.uz портали таҳририяти